

Абдулхай АБДУРАҲМОНОВ



Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2016

УЎК: 94(575.1)

КБК 63.3(5Ў)

Ватанимиз Ўзбекистон ва унинг пойтахт шаҳри Тошкент ҳақида ҳар ким нималарнидир билади ва табиийки, нималарнидир билмаслиги ҳам мумкин.

Мазкур китобда Тошкент шаҳри, Республикамиз вилоятлари ҳамда давлатимиз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида энг зарурий, умумий маълумотлар билан бирга, ҳудудимизда милоддан олдин ва кейинги мавжуд давлатлар, ҳукм сурган сулолалар, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри, вилоятлар тарихи, уларнинг ташкил топиши, мустақилликка эришиши ва ҳозирги кунгача бўлиб ўтган энг муҳим тарихий воқеалар, асосан, хронологик тартибда баён қилинди. Жумладан, китобда республикамиз ҳудуди, аҳолиси, кўчалари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 505 та маҳалласи ҳақида ва яна бир қатор маълумотлар берилди.

Китобнинг охириги IV “Кашкул” қисмида ҳар бир кишига ҳаётий қўланма бўлгудек қизиқарли воқеа, қисса ва ҳикоялар, ҳикматлар ўрин олган.

Ушбу илмий-оммабоп китоб вилоят ва шаҳар ҳоқимиятлари, вазирликлар ва бошқа давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари, кутубхоналар ходимлари, лицей, коллеж, институт, университет ўқитувчи ва талабаларига, умуман, кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филол. ф. д., проф. Ҳ. Болтабоев

Тақризчилар: Фалс. ф. д., проф. Б. Зиёмуҳаммадов

филол. ф. н., доц. М. Маҳмудов

63.3(5Ў)

А

Абдурахмонов, Абдулхай

Батан ҳақида билганларимиз, билмаганларимиз / Абдулхай Абдурахмонов; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 472+6 б.

ISBN 978-9943-4816-1-9

© Абдулхай Абдурахмонов (тузувчи-муаллиф), 2016

© «MUMTOZ SO‘Z», 2016

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ8

КИРИШ11

ФИҲРИСТ18

I қисм. ВАТАНИМИЗ – ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗУ НИМАЛАРНИ БИЛМАЙМИЗ25

1-фасл. Тошкент шаҳри ҳақида умумий тарихий маълумотлар27

1. Тошкент шаҳрининг қисқача тарихи29

*1852 йилги Тошкент қамали*33

*Тошкентда бўлиб ўтган қўзғалонлар*33

*1892 йилги Тошкент қўзғалони*34

*1916 йилги Тошкент қўзғалони*34

*Тошкентнинг Қўқон хонлигига қўшиб олиниши*34

*Тошкентнинг 1865 йилда Чор Россияси томонидан босиб олиниши*35

2. Мавзуга доир қўшимча маълумотлар38

*Туркистон генерал-губернаторлари*41

2-фасл. Тошкент шаҳрининг қадимги давлат шакллари: Мингўрик, Бинкат, Чоч (Шош)42

*Тошкент – Мингўрик ҳақида баллада (манзума)*44

3-фасл. Эски Тошкент, Шутуркент, Эски шаҳар, Чорҳоқимлик.48

*Шаҳарга алоқадор бўлган яна бошқа маълумотлар*50

*Тошкент шаҳар дарвозалари, уларнинг рамзий калитлари ва шаҳар
нақлиёти (транспорти)*51

4-фасл. Тошкент шаҳри туманларининг топонимикаси (А.Муҳаммад- каримов таҳлилида)54

5-фасл. Тошкент шаҳрининг тўрт даҳаси ва 12 дарвозаси (тадқиқодчи Хайрия Бўриева тадқиқида)70

6-фасл. Тошкент шаҳрида чорҳоқимлик, даҳалар, мавзелар ва у ер- ларда яшаб ўтган машҳур тарихий шахслар83

7-фасл. Тошкент шаҳрининг илк районлаштирилиши ва ҳозирги туманларнинг вужудга келиши99

*Тошкент шаҳрининг дастлабки районлаштирилиши ҳақида
Тошкент шаҳар Давлат архиви материалларидан*100

*Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ҳақида
“Тошкент” энциклопедияси китобидаги маълумотлардан (2009 йилги
ҳолат бўйича)*104

8-фасл. Тошкент шаҳар туманларининг тавсифлари, манзилгоҳлари ва бошқалар ҳақида маълумотлар106

9-фасл. Тошкент шаҳар туманларига номлари қўйилган атоқли шахслар кимлар122

10-фасл. 1. Тошкент шаҳридаги 505 та маҳалла135

2. Менинг маҳаллам160

10.2.1. “Кўкча” маҳалласи169

10.2.2. “Жарариқ” маҳалласи172

10.2.3. “Янги шаҳар” маҳалласи177

10.2.4. “Обиназир” маҳалласи181

II қисм. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. ВАТАНИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗУ НИМАЛАРНИ БИЛМАЙМИЗ?

11-фасл. Ватанимиз Ўзбекистон Республикаси ҳақида умумий маълумотлар183

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тузилган санаси, майдони, аҳолиси, маъмурий маркази ва пойтахт Тошкентгача бўлган масофаси184

Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий доиралар184

Ўзбекистон Республикасининг доимий шаҳар ва қишлоқ аҳолиси185

Тошкент шаҳрининг туманлари бўйича аҳолиси186

Ўзбекистондаги дарёлар186

12-фасл. Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар ҳақида маълумотлар187

Қорақалпоғистон Республикаси187

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича:

12.1. Андижон вилояти190

12.2. Бухоро вилояти192

12.3. Жиззах вилояти194

12.4. Навоий вилояти195

12.5. Наманган вилояти197

12.6. Самарқанд вилояти199

12.7. Сирдарё вилояти202

12.8. Сурхондарё вилояти204

12.9. Тошкент вилояти206

12.10. Фарғона вилояти209

- 12.11. Хоразм вилояти213
- 12.12. Қашқадарё вилояти214
- Тошкент шаҳри217
- Мавзу бўйича қўшимча маълумотлар218
- Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг ҳокимлари218
- Тошкент вилоятининг собиқ ҳокимлари219
- Тошкент шаҳар туманларининг ҳокимлари219
- Тошкент шаҳар туман ҳокимликларининг манзилгоҳлари ва телефон рақамлари220

13-фасл. Тошкент шаҳрига алоқадор энг муҳим воқеалар220

**III қисм. МОЗИЙГА НАЗАР. ЖАҲОН ва ЎРТА ОСИЁ ҳамда
ВАТАНИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР228**

14-фасл. 14.1. Илк археологик даврлар (Тош даври – палеолит, мезолит, неолит ва энеолит, жез (бронза) ва темир даврлари)229

14.2. Кишилиқ жамоаларининг ташкил топиши233

14.3. Илк давлатчилик тизимининг шаклланиши234

14.4. Ватанимиз Ўзбекистон жойлашган минтақадаги қадимги давлатлар235

14.5. Мавзуда тилга олинган, ўлкамизга алоқадор бўлган қадимги давлатлар236

15-фасл. Жаҳон тарихидан лавҳалар248

15.1. Қадимги Шарқ: Миср ва Месопотамия248

15.2. Қадимги Миср248

15.3. Қадимги Месопотамия249

15.4. Кичик Осие ва Олд Осие мамлакатлари252

15.5. Қадимги Эрон ва Турон253

15.6. Қадимги Ҳиндистон260

15.7. Қадимги Хитой261

15.8. Қадимги Юнонистон262

15.9. Қадимги Рим265

15.10. Илк Ўрта асрлар даври (V–VIII асрлар)270

15.11. Ривожланган Ўрта асрлар даври276

15.12. Салиб юришлари ва яна бошқа маълумотлар284

15.13. Юз йиллик уруш (1337–1453)292

15.14. Янги тарих даври (XV асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)299

16-фасл. Энг янги тарих (1914-1991)312

16.1. Биринчи жаҳон уруши ва унинг бошланиш сабаблари312

16.2. 1917 йилдан 1991 йилгача – Ўзбекистоннинг мустақил бўлишигача кечган воқеалар313

16.2.1. СССР. Партия ва давлат раҳбарлари, уларнинг фаолиятлари ҳамда бошқа воқеалар хроникаси319

16.2.2. СССР давлатининг емирилиши ва парчаланиб кетиши340

17-фасл. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида 347

17.1. 1991 йил 6 сентябрь – 2010 йил октябрь ойларида бўлиб ўтган воқеалар хроникаси360

17.2. Россияда ҳукмдорлик қилган айрим монархлар365

17.3. Собиқ иттифоқ ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар372

17.4. КПСС ва СССР давлатининг ташкил этилиши ва тугатилиши373

18-фасл. Ватанзимиз Ўзбекистон тарихининг энг муҳим воқеалари соҳномаси376

18.1. Эрамиздан аввалги даврлар ҳақида376

Ўзбекистон ҳудудидаги илк палеолит (тош) даври376

18.2. Эрамизнинг биринчи мингйиллигида Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида ҳукм сурган қадимги давлатлар377

18.3. Эрамизнинг иккинчи мингйиллигида Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида ҳукм сурган давлатлар378

18.4. Биринчи жаҳон уруши бошлангунча (1914 йил) бўлган даврда Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида ҳукм сурган давлатлар381

18.5. Биринчи жаҳон урушидан кейин то 2006 йилгача минтақада бўлиб ўтган йирик воқеалар386

IV қисм. КАШКУЛ

19 фасл. Ҳикматлар шодаси400

19.1. Ибрат намуналари425

19.2. Дўст-душманлик ҳақида428

19.3. Ибратли ҳадислардан433

19.4. Абу Бакр Қафқол Шошийнинг танбеҳли сўзлари ва ҳикматли ибораларидан434

19.5. Умримиз ўлаб берилганми?436

19.6. Қўрқув ҳақида439

19.7. Вақт – замон ҳақида439

- 19.8. Синоат. Бир оғиз каломнинг кучи439
- 19.9. Қизиқ бир воқеа441
- 19.10. Ҳаммаси қарз ҳақида442
- 19.11. Одамларни билиш ва уларни қандай ажрата олиш ҳақида443
- 19.12. Турли мавзулар ва масалалар444
1. Бахт нима?444
 2. Дунёнинг ишлари чархпалак445
 3. Умар Хайёмнинг кишини ўйлантирадиган рубоийлари445
 4. Аёллар – жаҳон мутафаккирлари нигоҳида447
 5. Исо пайғамбарнинг аёллар ҳақидаги ўғитлари450
 6. Яқин қариндошлар билан қуда бўлмаслик ҳақида451
 7. Рамазон қўшиғи454
 8. Ҳаёт лаззати455
 9. Туғилиш сири455
 10. Ноҳақ қатл этилган аёл қарғиши456
 11. Ҳаётингда нима содир бўлмасин, яхшиликка йўй458
 12. Яна бошқа ривоятлар458

СЎНГСЎЗ462

ХОТИМА ЎРНИДА464

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР466

ТУЗУВЧИ-МУАЛЛИФ ҲАҚИДА470

СЎЗБОШИ

Ўзини ўқимишли, маданиятли деб ҳисобловчи, умуман, ҳаётга қадам қўя бошлаган ҳар бир ватанимиз фуқароси ўзининг ўсган жойи, маскани, юрти – мамлакати тарихини, табиатини, халқини, аҳолисини, тили ва маданиятини, турмуш даражаси ва тарихий тараққиётини, урф-одат, анъаналари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни билиши тақозо этилади, яъни кишида ватанга муҳаббат, миллий гурур, умуман, олганда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, аввало, ана шу билимларни эгаллашдан бошланади.

Ватанпарварлик – кишининг ўз юрти, туғилиб ўсган, яшаётган Ватанига муҳаббати, умуминсоний туйғу ва садоқати маънавий қадриятларнинг бири бўлиб, ана шу билимларни эгаллаган ўз юртининг ватанпарвар фуқаросида болалик чоғлариданоқ қон-қариндошларига, жонажон ўлкасига, табиатига миллий урф-одат ва анъаналарига муҳаббат туйғулари таркиб топа бошлайди ва мустаҳкамланади.

Ватанпарварлик – бу Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлишдан иборатдир.

Ватанпарварлик – бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўшиш, унга фойда келтириш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демақдир.

Она юрт тупроғи шу қадар муқаддаски, уни дунёдаги ҳеч нарсага қийслаб бўлмайди. Ночору ноиложликдан охирги чора излаб, ўзга юртларга бош олиб кетган юртдошларимиз бизлардан бойроқ, фаровонроқ яшасалар-да, барибир, ўша бойликлардан келган бахту саодатнинг бир чеккаси кемтик эканлигини чуқур ҳис этиб турадилар. Бу ўз она Ватанининг бир сиқим тупроғига ташналик, қачон бўлмасин ўзи туғилиб ўсган маскани – хонадонига қайтиб, ўз Ватани тупроғига қоришиб кетиш илинжидир.

“Ватан” – буюк ва муқаддас тушунча. Уни қанчалик таърифласак, тараннум этсак ҳам камлик қилади. Ватан нафақат киндик қони тўкилган гўша, балки бебаҳо маскан, онадек муқаддасдир.

Айни пайтда, диёримизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар мустақил Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. Чунки, бу ўлкада барча миллат ва элатларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий имкониятлари муҳайё этилган. Демак, Ватан бир жой, бир замин, бир ўлкада яшаётган фуқароларни, миллатидан қатъи назар бирлаштириб турувчи ижтимоий туйғудир. Бу ҳақда халқимиз: “Тугилган еринг – Ватанинг, Ватанинг эса номусу оринг”, деган.

Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тўғрисида:

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.*

Бобур Ватан соғинчи билан ёзган рубоийсида:

*Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб! Нетайин не юз қаролиг бўлди, -*
деб ёзганлар.

Академик Ғофир Ғулом 1936 йили ёзган “Бари сеники” шеърини она Ватанимиз Ўзбекистонга муҳаббат ва садоқат изҳори дейиш мумкин:

*Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим.
Сенсен аввал-охир, сенсен - севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳатто шу таним
Бир бутун ҳолида бари сеники...*

Хуллас, аждодларимиз ўз эл-юртларининг чинакам фидойилари, ўз ватандошларининг меҳрибонлари бўлганлар. Киндик қонлари

томган тупроқнинг бир сиқимини бошқа юртнинг олам-жаҳон бойликларига алмаштирмаганлар. *“Она юртинг – олтин бешигинг”, “Ўз уйим – ўлан тўшагим”*, дея бор меҳру муҳаббатини ўз юрти, ватани, уйи, хонадони аҳлига улашиб, гоҳ тўқлик бўлсин, гоҳ йўқлик бўлсин, бориға шуқр қилиб яшайверганлар. Ана бу фазилат Ватанни севиш, ардоқлаш, ватанпарварлик дейилади.

Бундан келиб чиқадики, барчамиз яшаб турган, мухтарам Президентимиз раҳбарлик қилиб келаётган, ҳаммамиз учун ардоқли бўлган ушбу Ватанни, унинг равнақини янада юксалтиришдек масъулиятли вазифани теран англаб етмоғимиз зарур бўлади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ватан она каби муқаддасдир, унинг қадрига етмоқ, ардоқламоқ, авайлаб-асрамоқ барчамизнинг инсоний шарафли бурчимиздир.

Ниятимизнинг холис, эзгулиги, яъни барчамиз учун ҳаётий, долзарб, зарур бўлган пайтда мазкур асарнинг ушбу тарихий йил – ҳаммамиз учун бирдек азиз ва муқаррам бўлган мустақил диёримиз – Ўзбекистоннинг чорак асрлик юбилеи 2016 йилда яратилиши ва унга раҳнамолик қилишдек оғир, масъулиятли, аммо шарафли вазифа – Президентлик лавозимини ўз зиммасига олган мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевга юклатилганлигининг ўзи айтиб турибди.

Юбилейнинг муборак бўлсин, эй мустақил она Ватанамиз – Ўзбекистон!

Юртбошилиқ муборак бўлсин мухтарам Шавкат Миромонович!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3322> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3322> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3322>